

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 917-ҳадис

917 - وَعَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: عَادَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا، اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ . [1628/8]

917. Саъд ибн Абу Вакқос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам касаллигимда мени кўргани келиб:

«Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан, Аллоҳумма ишфи Саъдан» (Аллоҳим, Саъдга шифо бер), деб айтдилар».

Ином Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир:

Саъд розияллоҳу анхунинг учта фарзандидан ривоят қилинади, уларнинг барчаси отаси ҳақида шундай сўзлайдилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада Саъдни кўриш учун унинг олдига кирдилар. У зот: **«Нега йиглаяпсан?»** дедилар. У: «Саъд ибн Хавла вафот қилгани каби ҳижрат қилиб кетган еримда вафот қилишдан кўрқяпман», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч бора: **«Аллоҳим, Саъдга шифо бер! Аллоҳим, Саъдга шифо бер!»** дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг молим кўп, менга факат қизимгина меросхўр бўлади, молимнинг ҳаммасини васият қиласми?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Учдан иккисиничи?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Ярмичи?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У: «Учдан биричи?» деди. У зот: **«Учдан бири. Учдан бири ҳам кўп. Сенинг ўз молингдан қилган садақанг ҳам**

садақадир, оилангга нафақа қилишинг ҳам садақадир, аёлингнинг сенинг молингдан егани ҳам садақадир. Аҳлингни яхши ҳолда [ёки «тўкинликда»] қолдиришинг уларни одамлардан тиланадиган қилиб қолдирганингдан яхшидир» деб, қўллари билан ишора қилдилар».

Манба: hadis.islom.uz

